

## МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

**Назаров Илхомжон Усманалиевич**

Тошкент давлат педагогика университети катта ўқитувчиси

E-mail: [Nilxomjon67@gmail.com](mailto:Nilxomjon67@gmail.com)

**Боборахимова Дилноза Абдухаликовна**

Тошкент давлат молия институти катта ўқитувчиси

E-mail: [dilnoza.boborahimova.82@bk.ru](mailto:dilnoza.boborahimova.82@bk.ru)

**Аннотация:** Мақолада масофавий таълимнинг шаклланиши ва оммалашшига оид айрим тарихий маълумотлар ёритилган.

**Калит сўзлар:** масофавий таълим, очиқ университет, электрон таълим.

### DEVELOPMENT OF DISTANCE EDUCATION

**Abstract:** the article discusses some historical information about the formation and popularization of distance education.

**Keywords:** distance education, open university, e-learning.

Ривожланган хорижий мамлакатларнинг масофавий таълим тажрибаси узоқ тарихга эга бўлиб, анъанавий таълимнинг фундаментал тамойилларига таянган ҳолда инновацион технологиялардан кенг фойдаланишга асосланган.

“Масофавий ўқитиши” ва “масофавий таълим” атамаларининг талқинлари D. Keegan, D.R. Garrison ва D. Shale томонидан таклиф қилинган. B.N. Khan ва B. Hall вебга йўналтирилган ўқитиши ва веб-браузернинг асосини ташкил этувчи технологиялар ўртасидаги параллеллик, яъни ўхшашикларни аниқлаштиришган [5, 6, 7, 8].

Буюк Британияда очиқ университети (UKOU)нинг ташкил этилиши масофавий таълим тизимининг ривожланишига катта таъсир кўрсатди. Дунёдаги биринчи ташкил этилган ҳамда масофавий таълимга асосланган ушбу университет электрон таълим секторида жаҳон етакчисига айланди ва кейинчалик ўз эътиборини АҚШ, Австралия ва Осиё–Тинч океани мintaқаси мамлакатларининг таълим бозорига қаратди.

Россияда масофавий таълим 1917 йилдан бошлаб ривожланиш сари қадам қўйди. Бу ерда турли даражадаги курслар кенг фойдаланувчилар эътиборига ҳавола қилина бошланди. Собиқ иттифоқ даврида масофавий таълимнинг маҳсус “сиртқи таълим- маслаҳат” модели ишлаб чиқилди.

Францияда илк бор 1939 йилда имконияти чеканган болалар учун почта орқали таълим бериш масофавий таълим миллий маркази (CNED) ташкил этилган.

Ўтган асрнинг етмишинчи йилларидан кейин Испания, Покистон, Таиланд, Корея, Индонезия, Ҳиндистон, Нидерландия каби Европа ва Шарқнинг бир қатор мамлакатларида масофавий таълим муассасалари ҳатто университетлар пайдо бўла бошлади.

Хитой маданий инқилоби даврида ёпилган анъанавий олий таълим муассасалари ўрнига “радио–телевидение университетлари миллий тармоғи” ташкил этилган. Бу ерда таълим сунъий йўлдош орқали ташкил этилиб, барча ёшдаги тингловчилар учун, яъни бошланғич таълимдан то олий таълимгача бўлган барча таълим босқичлари қамраб олинган.

Ҳозирги кунда Германия, Италия, Англия, Голландиянинг очиқ масофавий таълим соҳасида фаолият олиб борадиган етакчи университетлари ҳам умумий ривожланиш тенденцияларига эга.

Сўнгги вақтларда ахборот-коммуникация турлари тубдан ўзгариб бормоқда: анъанавий таълим имкониятларини кенгайтириш мақсадида, таълимий контентларни талабага етказиб берувчи ҳамда таълим жараёнларида ўқитувчи–талаба муносабатларида интерфаол алоқани таъминловчи

телекоммуникация воситаларидан кенг фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шуни таъкидлаш лозимки, масофавий технологиялар ва усуллар тегишли ахборот–телекоммуникация инфратузилмаси, шунингдек, таълим муассасаларида компьютер ўқув–услубий таъминоти мавжуд бўлгандағина ўзининг мустақил, ўзига хос таълим шаклини ривожлантириши мумкин. Шу сабабли масофавий таълим, анъанавий таълимни такомиллаштириш мақсадида зарур шарт–шароитлар яратилган ва телекоммуникация инфратузилмаси яхши йўлга қўйилган мамлакатларда шиддат билан ривожланади. Бироқ, Шарқ минтақаси давлатларида тармоқ технологияси ривожланишининг паст даражасига қарамасдан (яқин ўн йилликлар олдин бундай ҳолат мавжуд эмас эди) интернет хизматларининг янада ривожланиши бу минтақани сайёрамиздаги электрон таълимнинг марказига айлантириши мумкин [1, 2].

Аналитик маълумотлар берувчи ташкилот (IDC)нинг хабар беришига кўра, масофавий таълим Европа мамлакатлари таълим бозорининг учдан бир қисмини эгаллаган. Туркияда талабаларнинг деярли ярми ушбу ўқитиш тизимида таълим олишади, бир миллион онлайн таълим олувчилар довонини Ҳиндистоннинг Индира Ганди университети кесиб ўтди [3].

Масофавий таълим шакллари мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатлари Украина, Белоруссия, Қозоғистонда ҳам жадал суръатларда ривожланмоқда.

Республикамизда масофавий таълимни тарғиб қилиш ва уни ривожлантириш йўлидаги самарали ишлар илгарироқ бошланган бўлсада, том маънода ундан амалий фойдаланиш пандемия даврига тўғри келди. Пандемия ўзининг салбий оқибатлари билан бир қаторда таълимнинг ушбу туридан фойдаланишнинг салбий ва ижобий томонларини кўрсатди.

Ўқитувчининг технологик малакаси ва унинг талабаларга бўлган муносабати масофавий таълимнинг критик омили бўлишига сабаб бўлади. Al-S-Fadiнинг таъкидлашича, ўқитувчининг таълим технологиясига бўлган ижобий муносабати, таълимнинг мулоқот услуги, таълим контентларини етказиш, назорат қилиш, талабанинг ўзини-ўзи бошқаришига эришиш, субъект–субъект,

субъект–объект муносабатлари талабанинг мотивациясига сезиларли даражада ижобий таъсир қўрсатади. Шундай қилиб, ўқитувчининг шахсий сифатлари қўп ҳолларда талабанинг масофавий таълим тизимига бўлган муносабатини белгилайди [4].

Масофавий таълим ўқитувчи ва талабанинг фақат масофадан туриб таълим бериш ва таълим олишини назарда тутса, электрон таълим ҳам масофадан ҳам аудиторияда таълим олишни назарда тутади, яъни электрон таълим масофавий таълимдан кенгрок тушунчадир. M.J.Rosenberg, M.Driscoll, W.K.Hortonлар ўз илмий тадқиқот ишларида “электрон таълим” атамасини “вебга йўналтирилган таълим” атамаси билан боғлашган [9, 10, 11].

R.C. Schank электрон таълимни компьютер ва интернет тармоғидан фойдаланишни ўз ичига олган таълим фаолияти билан боғлайди ва электрон таълим ҳамда масофавий таълим тушунчаларини бутқул бир-биридан фарқлайди [12].

Электрон таълим сифатида номлаш электрон почта тушунчасидан келиб чиқади. Электрон почтани тавсифи ҳам хабарларни компьютер ва интернет орқали узатиш жараёни сифатида гавдаланади.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ: (REFERENCES)**

1. Bonk K.J., Li M., Reynolde T.X. A Special Passage Through Asia E-Learning // International Journal on E-Learning.–2009.– Vol. 8. – № 4. – P. 439-445
2. Dela Pena-Bandalariya М.М. Электронное образование на Филиппинах: тренды, направления и вызовы // Дистанционное и виртуальное обучение.–2010.–№2.– Дайджест зарубежных изданий. <https://cyberleninka.ru/article/n/analiz-zarubezhnogo-opyta-distantsionnogo-obucheniya>
3. Корпоративные информационные технологии и решения. Электронный ресурс. Код доступа: [www.pcweek.ru](http://www.pcweek.ru)
4. Al-Fadi S. Факторы, влияющие на принятие дистанционного обучения: социологическое исследование в открытом университете Кувейта //

Дистанционное и виртуальное обучение. 2010, № 2. - Дайджест зарубежных изданий.

5. Keegan D. The Foundations of Distance Education. – London and New York: <http://www.c31.uni-oldenburg.de/cde/support/readings/keegan86.pdf>
6. Garrison D.R., Shale, D. Mapping the boundaries of distance education: Problems in defining the field // The American Journal of Distance Education, 1(1), 1987. – P. 7–13.
7. Khan B.H. Web-based training. Englewood Cliffs, NJ: Educational Technology Publications, 2001. – P. 159.
8. Hall B. Web-Based Training Cookbook. New York, NY: John Wiley & Sons, 1997. – P. 133.
9. Rosenberg M.J. E-Learning: Strategies for Delivering Knowledge in the Digital Age. New York, NY: McGraw-Hill Companies, 2001. – P. 218.
10. Driscoll M. Web-based Training: Designing E-Learning Experiences, 2nd edition. San Francisco, CA: Jossey-Bass/Pfeiffer, 2002. – P. 120–122.
11. Horton W.K. Designing Web-Based Training: How to Teach Anyone Anything Anywhere Anytime. New York, NY: John Wiley & Sons, 2000. – P. 92.
12. Schank R.C., Designing World Class E-Learning: How IBM, GE, Harvard Business School and Columbia University Are Succeeding at E-Learning. New York: McGraw-Hill, 2002. – P. 57.